

Фикҳ дарслари (40-дарс). Янги фароиз китоблари



14:00 / 07.07.2019 5547

1. «Ал-маворийс фиш-шарийъатил Исламийяти фий зовъил Қуръани вас-суннати».

Бу китобнинг муаллифи машҳур олим Муҳаммад Али Собунийдир. Шайх Собуний бу китобини Маккан Мукаррамадаги шариат ва исломий изланишлар куллиясида мударрис бўлиб турганида ёзган. Шунинг учун китобнинг бўлимларини «маъруза» деб атаган.

Китоб осон ва равон услубда ёзилган. У қуйидаги «маъруза»лардан иборат:

1. Мерос оятлари ва улардаги зарурий ҳамда нозик ҳукмлар;
2. Мерос ва тариканинг таърифи. Мероснинг шартлари ва ман қилувчилари;
3. Қуръони Каримда белгиланган улушлар, уларнинг эгалари ва мерос олиш шартлари;
4. Асабалар, уларнинг турлари ва жиҳатлари ҳамда ҳар бир синфнинг ҳукми тафсилоти;
5. Ҳажбнинг таърифи, турлари ва шартлари ҳамда масалаи муштараканинг баёни;

6. Бобо ва унинг тафсилий ҳукмлари, ака-укалар, опа-сингиллар билан.
7. Радд ва авлнинг ҳукмлари;
8. Ҳисоб ҳукми. Масалаларнинг аслини билиш, уларни тўғрилаш йўли ва тарикани тақсимлаш кайфияти;
9. Насх қилишлар ва унинг таърифи ҳамда уларни чиқариш тариқаси, мисоллар ила;
10. Она тараф қариндошлар мероси. Хунаса, ҳомила, йўқолган, ғарқ бўлган ва девор босгандарнинг ҳукми.

«Аҳкомул мероси вал васийяти фиш-шарийъатил Исламийяти»нинг учинчи нашри ҳижрий 1399 – милодий 1985 йилда «Оlamул кутуби» нашриёти томонидан Байрутда амалган оширилган.

2. «Аҳкомул мероси вал васийти фиш-шарийъатил Исламийяти».

Бу китобнинг муаллифи доктор Саъийд Муҳаммад Жулайдийдир. Унда мерос ва васиятга оид масалалар батафсил ёритилган. «Аҳкомул мероси вал васийти фиш-шарийъатил Исламийяти» китобида ёритилган бош масалалар қуйидагилардан иборат:

- Тарика (ўлгандан қолган мулк) ва унга боғлиқ масалалар;
- Мероснинг арконлари, сабаблари ва шартлари;
- Мероснинг турлари ва меросхўрларнинг тартиби;
- Тақдирий ҳамда эҳтиётий мерос ва баъзи тўлдирувчи масалалар;
- Васиятнинг маъноси, ҳукми ва далили;
- Васиятнинг арконлари ва шартлари;
- Васиятларнинг турлари ва ҳукмлари.

«Аҳкомул мероси вал васийти фиш-шарийъатил Исламийяти» китоби Умумжаҳон Ислом чақириғи куллияси тарафидан чоп қилинган.

3. Муҳаммад Жунайд Муфший ва бошқаларнинг фароизга оид китоблари.

«Фиқҳий йўналишлар ва китоблар» китобидан